

---

## “Ҳоким ва ёшлар учрашуви”

“Навбахор” маҳалласида туман ҳокимининг ёшлар билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Данғара тумани Халқ қабулхонаси мудирини, тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда “Навбахор” маҳалласи ёшлари иштирок этишди.

Сайёр қабул давомида ёшлар томонидан билдирилган фикр, мулоҳаза ва мурожаатлар асосида бир қатор масалалар мавжудлиги, жумладан тадбиркорлик учун кредит олиш, иш билан таъминланиш муаммолари кўриб чиқилди.

Ёшларнинг барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.



